

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



2022
IYUN
№41



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.tadqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
1-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-1**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-1**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 41-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 38 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Мухиддин Махмудов СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИ БЎЙИЧА УНДИРУВ ҚАРАТИЛМАЙДИГАН ҲИСОБ РАҚАМЛАР	7
2. Абдираимов Абдикадир Абдуллаевич, Жўрабеков Тохиржон Маъмуржон ўғли ИНТЕРНЕТ ФИРИБГАРЛИГИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УНДАН ҲИМОЯЛАНИШ УСУЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	10
3. Абдираимов Абдикадир Абдуллаевич, Маматов Шермуҳаммад Илҳом ўғли СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СОДИР ЭТИЛГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК, УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ	12
4. М.Тошпулотов ФОЙДАЛАНИЛМАЁТГАН ОБЪЕКТЛАР МУЛҚДОРЛАРИГА ТАЪСИРЧАН СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ.....	14
5. Маматов Шермуҳаммад Илҳом ўғли, Жўрабеков Тохиржон Маъмуржон ўғли ИНТЕРНЕТ ФИРИБГАРЛИГИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УНДАН ҲИМОЯЛАНИШ УСУЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	16
6. Маматов Шермуҳаммад Илҳом ўғли, Абдуллаев Файзулла Абдикодир ўғли ИНТЕРНЕТ ФИРИБГАРЛИГИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	18
7. Мухиддин Махмудов ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “СУД НАЗОРАТИ” ВА “СУД КОНТРОЛИ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ КЕНГ ҚЎЛЛАНИШИНИНГ АҲАМИЯТИ	21
8. Жўрабеков Тохиржон Маъмуржон ўғли, Рўзиева Мубина Содикжон қизи ҚИМОР ВА ТАВАККАЛЧИЛИККА АСОСЛАНГАН БОШҚА ЎЙИНЛАР ТУШУНЧАСИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	24
9. Очилов Ильяс Абдураимович ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА МУТАХАССИС ИШТИРОКИНИНГ ТАРТИБИ ВА АҲАМИЯТИ.....	26
10. Очилов Ильяс Абдураимович ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ ДАВОМИДА КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.....	28
11. Абдираимов Абдикадир Абдуллаевич, Абдуллаев Файзулла Абдикадир ўғли ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ: МДҲ ДАВЛАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ	30
12. Sayfullayev Shavkat Abdisamatovich O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING JINOIY QONUNCHILIGIDA VOYAGA YETMAGANLARNING JINOYATLARI UCHUN JAVOBGARLIK YOKI JAZODAN OZOD QILISHNING TURLARI.....	32



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИ БЎЙИЧА УНДИРУВ ҚАРАТИЛМАЙДИГАН ҲИСОБ РАҚАМЛАР

Мухиддин Махмудов

Тошкент вилояти Нурафшон туманлараро
маъмурий судининг судьяси
pochtaway@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Суд – ҳуқуқ соҳасида атамаларни тўғри йўлга қуйиб ишлатиш, бу норматив ҳужжатларни тушунарли бўлишини таъминлаб қолмай, балки маъносини аниқ равшан ишлатилишини таъминлаб беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Солиқ қарздорлиги, Солиқ ундируви, Солиқ назорати, инкасса топшириқномаси.

Юртимиз иқтисодиёт тармоқларининг қўллаб-қувватланиши ва уларга берилаётган имтиёзлар натижасида халқимизнинг фаровонлиги кундан-кунга юксалиб бормоқда. Албатта, бу соҳадаги натижаларни солиқ тизимидаги ислохотларсиз уйлаб қуриш қийин.

Юртимизда ўз тадбиркорлигини ташкил этаман, деган фуқаро ёки миллий иқтисодиётимизга сармоя киритадиган инвестор биринчи навбатда, солиқ имтиёзларига, бу борадаги сиёсатнинг самарадор ва адолатли эканига эътибор қаратади.

Солиқ қарздорлиги бўйича ундирув қаратилмайдиган ҳисоб рақамлар муносабатлар бўйича бир мунча муносабатларда ечилиши лозим бўлган масалар ҳам мавжуд.

Хусусан мазкур муносабатларда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 15.03.2012 йилдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақаларидан пул маблағлари ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномаси тасдиқловчи ҳақида”ги 2342-сонли қарор қабул қилинган.

Мазкур йўриқнома талаблари тугатилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг тугатиш ҳисобварақларига;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда хатланган ҳисобварақларга ҳамда суд, давлат ижрочилари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан фойдаланишга оид чекловлар ўрнатилган ҳисобварақларга ёки ушбу ҳисобварақлар бўйича хатланган пул маблағларига;

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағида (кейинги ўринларда асосий ҳисобварақ деб юритилади) етарли миқдорда пул маблағлари бўлганда, маблағларни ҳисобдан чиқариш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда миқдорнинг фармойишига ва бошқа пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг келиб тушиши тартибида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағида маблағ унга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаган ҳолда, пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари 2-сон картотекага кирим қилинади. 2-сон картотека хўжалик юритувчи субъектнинг фақат асосий ҳисобварағи очилган банкда шакллантирилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағига давлат ижрочилари томонидан солиқ қарзи бўйича инкассо топшириқномалари қўйилган тақдирда, шу қарздорлик миқдорида олдин давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўйилган инкассо топшириқномалари ижросиз қолдирилади.

Давлат ижрочилари томонидан банкларга давлат солиқ хизмати органларининг ижросиз қолдириладиган инкассо топшириқномалари рақами, санаси, суммаси тўғрисидаги маълумотлар тақдим қилинади.

Банклар шу куннинг ўзида давлат солиқ хизмати органларига ижросиз қолдириладиган инкассо топшириқномалари тўғрисида электрон хабар беради. Давлат солиқ хизмати



органлари шу куннинг ўзида ушбу хабарнома асосида ижросиз қолдириладиган инкассо топшириқномаларини банклардан чақириб олади.

Банклар томонидан давлат ижрочиларининг инкассо топшириқномаларининг тўланмаган суммаси ижрога қабул қилинади.

Ижрога қабул қилинган инкассо топшириқномаларининг давлат ижрочиларига қайтариладиган нусхасининг орқа томонига қабул қилинган сумма кўрсатилиб, банк масъул ижрочи ходими томонидан имзо чекилиб, штамп босилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағидаги маблағлар унга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаганда, асосий ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банк 2-сон картотека пайдо бўлганлиги тўғрисида 3-сўровноманинг «тақиқ» файлини «2» белгиси билан шакллантириб, Банк депозиторлари миллий ахборотлар базасига дастурий равишда юборади. Ушбу маълумотлар Банк депозиторлари миллий ахборотлар базаси орқали барча бошқа ҳисобварақлар очган банкларга узатилади.

Мазкур маълумотлар Банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси орқали Давлат солиқ қўмитасига ахборот тариқасида узатилиб борилади.

Ҳисобварақ очган банклар ушбу маълумотномани амалиёт кунни давомида олганда, шу амалиёт кунидан кечикмаган ҳолда, маълумотномани амалиёт кунидан кейин олганда эса кейинги амалиёт кунидан мазкур миқдорнинг асосий ҳисобварағига қўйилган талабларни қондириш учун хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа ҳисобварақларидаги пул маблағларини унинг асосий ҳисобварағига мемориал ордер асосида ўтказиб беришлари шарт.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағида 2-сон картотека пайдо бўлгандан сўнг, унинг бошқа барча иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очилган банклар томонидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш ва асосий ҳисобварағига бўлган тўловлардан ташқари бошқа тўловларни амалга ошириш тақиқланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа ҳисобварағидан тўловлар асосий ҳисобварағи очилган банкдан унинг 2-сон картотекаси мавжуд эмаслиги тўғрисидаги файл маълумот дастурий равишда олингандан сўнг амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағи очилган банкда 2-сон картотека мавжуд бўлган ҳолларда тўловлар қуйидаги навбатда амалга оширилади:

навбатдан ташқари, ҳисобварақ эгасининг аризасига кўра бевосита ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) фаолияти билан боғлиқ бўлган кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари учун тўловлар ўтган ой давомида унинг фақат асосий ҳисобварағига келиб тушган жами тушумларнинг 5 фоизи миқдоригача, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхатга асосан ўта муҳим объектларни қўриқловчи бўлинмалар хизматидан фойдаланувчи ҳисобварақ эгалари учун эса 6 фоиз миқдоригача амалга оширилади.

2-сон картотека пайдо бўлганда, ҳисобварақ эгаси томонидан ариза кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар миқдorigа боғлиқ ҳисоб-китоб билан бирга шу ойнинг кейинги декадаси биринчи санасига, жорий ойнинг учинчи декадаси ва кейинчалик эса кейинги ойнинг учинчи санасигача банкка тақдим қилинади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, бевосита ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ бўлган, ўта муҳим объектларни қўриқловчи бўлинмалар хизмати бўйича харажатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда зарурий харажатлар рўйхатини аниқлайди.

Ҳисобварақ эгаси кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун маблағлар ҳисоб-китобини ва аризани банкка тақдим этган куннинг эртасидан бошлаб жорий ой давомида ушбу тўловларни тўлиқ ёки бўлиб-бўлиб амалга ошириши мумкин. Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун маблағлар лимитининг ишлатилмаган қисми жорий ойнинг охириги кунигача ишлатилиши мумкин ва кейинги ойга ишлатиш учун ўтказилмайди.

Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун тўловлар ҳисобварақ эгасининг тўлов топшириқномалари бўйича амалга оширилади. Бунда тўлов топшириқномаларининг «тўлов мақсади» графасида «кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар суммаси ҳисобига», деб ёзилган бўлиши шарт.

Банклар кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун сарфланадиган маблағлар лимитининг тўғри ҳисобланганлиги (аниқлашини) ва унга риоя қилинишини назорат қилади.

Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун сарфланадиган маблағлар лимити нотўғри



ҳисобланганлиги аниқланган тақдирда, улар бўйича тақдим этилган ариза ва тўлов ҳужжатлари банк томонидан ижро учун қабул қилинмайди;

биринчи навбатда, мутаносиб равишда бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга тўловларни ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижрочи) ҳужжатлари бўйича, алиментларни ундиришга доир талабларни қондириш учун ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказиш ёки пулни беришни назарда тутувчи ижрочи ҳужжатлар бўйича, муаллифлик шартномаларига биноан мукофотларни тўлаш бўйича, шунингдек ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича, бюджетга тўловлар бўйича ҳамда меҳнатга оид ва унга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган тўловлар бўйича ҳўжалик субъектларининг мажбуриятлари тенг даражада бажарилишини таъминловчи ижрочи ҳужжатлар бўйича пул ўчирилади;

иккинчи навбатда, навбатдан ташқари ва биринчи навбатдаги тўловлар амалга оширилгандан кейин асосий ҳисобварақдан қуйидаги мажбуриятларнинг календарь навбати тартибида бажарилиши таъминланади:

мазкур банднинг «б» кичик бандида назарда тутилмаган бошқа ижро ҳужжатлари бўйича инкассо топшириқномалари юзасидан тўловлар;

банклар томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга Ҳукумат кафолати остида берилган муддатли ва муддатида қайтарилмаган кредитларни (уларнинг фоизларини ҳам) қайтариш учун қўйилган миқдорнинг талабномалари бўйича тўловлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан берилган бюджет ссудаси, кредит линияси ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар;

Мутаносиб тақсимлаш ҳисобварақдаги маблағларнинг кун бошидаги қолдиғидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Ойнинг охириги банк иш кунида асосий ҳисобвараққа келиб тушган маблағлар кун давомида мутаносиб тақсимланади.

Ҳўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағидаги маблағлар унга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаган ҳолда, ҳисобварақдан пул маблағларини мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasида келтирилган мисол асосида амалга оширилади.

Мазкур Йўриқноманинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.



ИНТЕРНЕТ ФИРИБГАРЛИГИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УНДАН ҲИМОЯЛАНИШ УСУЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Абдираимов Абдикадир Абдуллаевич
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси

Жўрабеков Тохиржон Маъмуржон ўғли
Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси
Тел: +99899 826-99-16

Аннотация. Ушбу мақолада жаҳонда кенг тарқалган интернет фирибгарлигининг турлари ва ундан ҳимояланиш усуллари кўрсатилган.

Таянч тушунчалар. Киберсквоттинг, Тайпсквоттинг, Фишинг, Спам, Маҳсулот ва хизматларни ўз ичига олган реклама, Тўлов тизимидаги фирибгарлик, Нигериянча мактублар, Алдаш дастурлари, SMS овоз бериш ва тўлов, компьютер ва фойдаланувчини блоклоччи баннерлар.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш йўлида жуда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Кучли иқтисодий ислохотлар даврида мамлакатда турли соҳаларда ижобий ўзгаришлар юз бериши билан бирга ўзгалар мулкига қарши қаратилган айрим жиноятларнинг содир этилиши давом этаётганлиги барчада хавотир уйғотиши ҳеч биримизга сир эмас.

Фишерлардан ҳимояланиш. Фишинг фирибгарлигининг энг асосий жиҳати жабрланувчининг ишончини суистеъмол қилиш орқали ўз қабиҳ ниятини амалга оширишидир. Шу сабабли фишерлар тузоғига тушиб қолмаслик учун қуйидагиларга жиддий эътибор қаратишимиз керак:

-Банклар ҳеч қачон ўз миқдорларининг кредит карта рақамлари, пин-кодлари ва шахсий маълумотларини сўрамайди;

- Спам-хатлар орқали келган ҳаволаларга кирганда уларни ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиш керак;

- Агар шахс ҳеч қандай лоторея ёки ютуқли ўйинларда иштирок этмаган бўлсада унга совринни қўлга киритгани ҳақида маълумотлар келса, демак булар аниқ фирибгарлардир;

- Сотувда бўлган маҳсулотларнинг таннари бошқа интернет-дўконлар ёки шаҳобчалардагидан кўра паст бўлса, ушбу интернет-дўконнинг фирибгарлар томонидан яратилмаганлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Тўлов тизимидаги фирибгарликлар – интернет фирибгарлигининг оммабоп турларидан бири бўлиб, асосий эътиборни тўлов тизимидаги камчиликларни бартараф этган ҳолда тўловни ва пул ўтказишни амалга ошириш орқали пул маблағларини қўлга киритишни назарда tutувчи алгоритмлардир.

Сехрли ҳамён фирибгарлиги – фирибгарлар томонидан шахсларнинг пул маблағларини турли хилдаги фойда олиб келиши мумкин бўлган йўналишларга пул маблағларини жалб қилиш тарзида намоён бўладиган, ушбу соҳаларга ўтказилган пул маблағлари эса фирибгарнинг банк картасига тушиши назарда тутилади. Буларга, криптовалюта билан шуғулланиш таклифи кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ноах-дастурлар ўз нишонларини турли хилдаги дастурий таъминот билан алдаш учун мўлжалланган дастурлардир:

Бошқа дастурлар (электрон почта, интернет казино, Wifi коди) ни бузиш учун ишлатиладиган пулли дастурий таъминотлардаир. Ушбу дастурий таъминотларни интернетдан скачат қилиб олиш, ҳамда демо версиясини ишга тушириш мумкин. Лекин, дастурий таъминотдан тўлақонли фойдаланиш учун, пулли активация кодини қўлга киритиш зарқр бўлади. Активация коди сотиб олиб ўрнатилгандан сўнг ё дастур автоматик тарзда ўчиб кетади, ё бутунлай блокланади.

Активация кодлари генератори – бу дастур ёрдамида) фирибгарлар пластик картаси ўрнатилган сим карталарнинг клонлаштириш мақсадида троян дастурлар асосида фаолият юритади ва банк карталарини ўзларига улаб олишади.

Антивирус ва вирус имитацияси кўринишидаги дастурлар.



Улар кўпинча автоматик тарзда юкланиб қолади ва компьютер ва телефонлар дастури хавф остида эканлигини тўғрисида жар солиб, ушбу антивирус активация кодини сотиб олиш орқали муаммога ечим топилиши ҳақида огоҳ қилишади.

SMS овоз бериш ва тўлов. Бу каби фаолият билан шуғулланувчи фирибгарлар томонидан сизга тегишлича хабар юборилиши орқали сизга бошқа фойдаланувчилардан кўра кўпроқ қулайликка эга бўлган фойдаланиш пакети тақдим этиш тўғрисида таклиф ва код маълумот берилади.

Компютер ва фойдаланувчини блокловчи баннер. Жабрланувчининг компьютер қурилмасига интернет фирибгарлари томонидан махсус “Trojan.Win32.Agent.il” русумли вирус киритилиб, у ёрдамда компьютер

ойнаси турли хилдаги баннер билан блокланади ва ишга яроқсиз ҳолатга келиб қолади. Компютернинг иш қобилиятини қайтадан тиклаш учун эса фирибгарлар талаб қилган пул маблағларини тўлаб бериш талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В. А. Шилова, М. К. Печалина. Интернет-мошенничество как значимая характеристика «Экранного мира» сети стр. 325-327 <https://cyberleninka.ru/article/n/>
2. В. А. Шилова, М. К. Печалина. Интернет-мошенничество как значимая характеристика «Экранного мира» сети стр. 325-327 <https://cyberleninka.ru/article/n/>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят Кодекси” 168-модда 1-қисм (11.06.2022 ҳолатига) <https://lex.uz/docs/111453>



СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СОДИР ЭТИЛГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК, УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ

Абдираимов Абдикадир Абдуллаевич

Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Маматов Шермуҳаммад Илҳом ўғли

Фукаровий-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Тел: +99899 826-99-16

Аннотация. Ушбу мақолада сув хўжалиги соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун қандай тарзда маъмурий жавобгарликлар белгиланиши, сув хўжалиги соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг охириги икки йилликдаги статистик таҳлили ҳақида фикр юритилган ва ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақида таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч тушунчалар: Мансабдор шахс, табиий сув объектлари, гидротехника ишлари, сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сув кадастри, сув хўжалиги баланслари, сувдан комплекс фойдаланиш, сувни муҳофаза қилиш.

Сув ва сув ресурслари тўғрисидаги қонунчилик – “Барча ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер ижарачилари ва мулкдорлари ҳам сув ресурсларидан оқилона фойдаланишлари ва уларни муҳофаза қилишлари шарт”, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 10-июль кундаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030-йилларга мўлжалланган Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сонли Фармониининг 2-иловасига мувофиқ: “Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, сув ресурсларини прогнозлаш ва интеграциялашган ҳолда бошқариш, сув ресурсларини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритиш ҳамда сув истеъмоли меъёрларини белгилаш тизимини такомиллаштириш, сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, каналларда сув йўқолишининг олдини олиш ва энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, сув хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш, суғоришда сувни тежайдиган технологияларини қўллаш кўламини кенгайтириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалигида илмий-тадқиқот фаолиятни янада кучайтириш, кадрлар малакасини ошириш, илмий ва инновацион салоҳиятини ривожлантириш ҳамда лойиҳа ташкилотларининг салоҳиятини яхшилаш тўғрисидаги топшириқлар белгиланган.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда қонунчиликни таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

1. Фуқаролар ва мансабдор шахсларга нисбатан давлат бошқарувининг маъмурий-ҳуқуқий усуллари кўллаш:

А) Бошқарувнинг Маъмурий усулларида фойдаланиш:

- Меҳнат шартномасини тузиш вақтида қонунлар ва ўрнатилган тартиб қоидаларга риоя қилиш юзасидан тилхат олиш;

- Ҳар кунлик йўриқномалар ўтказиш шунингдек, ҳафта, ой, чорак, яримйиллик ва йил якуни бўйича ўтказиладиган тадбирларда ўрнатилган қоидаларга риоя қилиш ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга маъмурий ёки интизомий тартибда қатъий жазо чораларини ҳамда етказилган моддий зарар ўрнини қоплашга қаратилган моддий жавобгарликка тортиш;

- Сув хўжалиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқиш;

Б) Мансабдор шахслар ва ходимларнинг самарали фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида бошқарувнинг иқтисодий усулидан фойдаланиш:

- Сув хўжалиги ва ундан фойдаланиш соҳасида фаолият юритувчи ижобий иш натижаларига эга фуқаро ва мансабдор шахсларга бир марталик пул мукофоти, устама



ҳақлар ва бошқа имтиёзлар белгилаш.

В) Ходимлар орасида фидойилик, ўз касбига муҳаббат, ҳалоллик туйғуларини шакллантириш мақсадида ижтимоий-психологик усуллардан фойдаланиш:

- Келгусида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида маъмурий ва интизомий жазога шунингдек, моддий жавобгарликка тортилган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва жазоланганлиги ҳақидаги маълумотларни шахсий таркибга етказиш ҳамда эълон қилиш;

- Ҳуқуқий маданиятини ошириш учун жамоатчилик орасида фаол ва фидокор ходимларни ҳамда фуқароларни рағбдлантириш.

2. Илғор мамлакатлардаги сувдан фойдаланиш ва тежаш соҳасидаги энг янги технологияларни чуқур таҳлил қилиш ва биздаги ҳозирги технологиялар билан солиштириш ва халқаро илғор стандартлар даражасига етказиш, бу эса сувнинг сифатини, унинг тежамкорлигини ва бундан келиб чиқадиган шу соҳада келиб чиқадиган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг камайишига олиб келади.

3. Сув хўжалигида фаолият юритувчи ходимларнинг малакасини ва илмий-техникавий потенциалини ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-2021-йил 14-ноябрь ҳолатига.-WWW.Lex.uz;

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.-2021-йил 14-ноябрь ҳолатига.-WWW.Lex.uz;

3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.-2021-йил 14-ноябрь ҳолатига.-WWW.Lex.uz;

4. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрель кунидаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни.-WWW.Lex.uz;



Фойдаланилмаётган объектлар мулкдорларига таъсирчан солиқ механизмини қўллашнинг асослари ва ҳуқуқий оқибатлари

М.Тошпулотов

Нурафшон туманлараро
маъмурий судининг судьяси

АННОТАЦИЯ: Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий-демократик ривожланишининг бугунги кундаги асосий йўналиши ва тамойиллари негизида аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатлари ҳамда халқнинг фаровонлиги ётади. Мазкур мақола маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларини кўриб чиқишда манфаатдор шахсларга нисбатан таъсирчан солиқ қўллаш ва унинг ҳуқуқий оқибатларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини очиқ беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, тадбиркорлик субъектлари, мансабдор шахслар, қонуний ҳуқуқларини таъминлаш, очиқлик ва шаффофлик, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг тўсқинликсиз амалга оширилишини таъминлаш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва республиканинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига кўра, Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Конституциянинг 54-моддасида, Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 августдаги Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 666-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур Қарорга асосан, Бўш турган ишлаб чиқариш майдонларидан оқилона ва самарали фойдаланиш соҳасида қўшимча шарт-шароитлар яратилаётгани натижасида тадбиркорлик субъектлари томонидан кўплаб инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Қарорга асосан фойдаланилмаётган объектларни аниқлаш бўйича 1-ишчи гуруҳи ва 2-ишчи гуруҳлари ташкил этилган.

Ишчи гуруҳларига қуйидаги бир-қатор вазифалар юклатилган:

1-ишчи гуруҳига: фойдаланилмаётган объектларни жойига борган ҳолда хатловдан ўтказиш ҳамда уларнинг рўйхатини шакллантиришни ташкил этиш;

фойдаланилмаётган объектларга нисбатан таъсирчан солиқ механизмини қўллаш бўйича давлат солиқ хизмати органларига хулоса тақдим этиш.

2-ишчи гуруҳига: фойдаланилмаётган объектларни ишга тушириш муаммоларини ўрганиш;

аниқланган муаммоларни ҳал қилиш ва фойдаланилмаётган объектларни ишга туширишга доир лойиҳаларни ишлаб чиқишда ва инвесторларни жалб қилишда мулкдорга кўмаклашиш;

фойдаланилмаётган объект ҳақиқатда хўжалик фаолиятига жалб қилинганлигини жойига борган ҳолда ўрганиш орқали таъсирчан солиқ механизмини тўхтатиш юзасидан давлат солиқ хизмати органларига хулоса тақдим этиш.



Мазкур қарорга асосан давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги вазифалар юкланади:

- фойдаланилмаётган объектларнинг ҳисобини юритиш;
- фойдаланилмаётган объектларни хўжалик фаолиятига жалб қилишни жадаллаштириш мақсадида оширилган ставкаларда солиқ ҳисоблаш. Бунда фойдаланилмаётган объект мулкдори — юридик ва жисмоний шахслар томонидан эътироз билдирилган, шунингдек, объектга кириш имкони бўлмаган ҳолларда таъсирчан солиқ механизми 1-ишчи гуруҳининг ҳулосаси асосида қўлланилади.

Шунингдек қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига фойдаланилмаётган объектлар ишга туширилганлигининг ҳисобини юритиш вазифалари юклатилган.

ВМнинг 666-сонли қарорига асосан фойдаланилмаётган объектлар мулкдорларига қуйидаги таъсир чоралари қўлланилади:

- мол-мулк ва ер солиқлари ўрнатилган ставкага нисбатан уч ойга қадар икки барабар уч ой ўтгандан сўнг - беш барабар, олти ой ўтгандан сўнг - ўн барабар, 12-ойдан бошлаб келгуси ҳар 12 ойда охириги ошириб қўлланилган миқдорнинг икки барабари миқдорида қўлланилади;

- фойдаланилмаётган объектларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мол-мулк ва ер солиқлари бўйича қўлланиладиган солиқ имтиёзлари ва преференцияларининг амал қилиши тўхтатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 666-сонли қарори талабларини бажариш аввало давлат органлари мансабдор шахсларининг зиммасига масъулият ва вазифалар юклатилган бўлиб, мансабдор шахсларнинг зиммасига юклатилган вазифаларини қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида бажарилмаслиги, яъни хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида манфаатдор шахсларнинг (тадбиркорлик субъектларининг) ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузилишига олиб келиниши мумкин.

Мазкур ҳолатда маъмурий судлар томонидан манфаатдор шахсларнинг шикоят аризаларига асосан давлат органларининг қарорларини (маъмурий ҳужжатларини) ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга ҳилоф деб топиши мумкинлиги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 189-моддасида кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 174-моддасига асосан, суд ишни кўриш чоғида давлат органининг ёки бошқа органнинг, юридик шахснинг, мансабдор шахснинг ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, суд хусусий ажрим чиқаришга ҳақли.

Бундан ташқари, агар суд низони кўраётганида шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун бу ҳақда тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар қилиши кўрсатилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохатларининг асосий мақсади аввало қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ.
- 2.МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ.
3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПҚ-3928-СОНЛИ ҚАРОРИ.
- 5.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПФ-5490-СОНЛИ ФАРМОНИ.
- 4.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 666-СОНЛИ ҚАРОРИ.



ИНТЕРНЕТ ФИРИБГАРЛИГИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УНДАН ҲИМОЯЛАНИШ УСУЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Маматов Шермуҳаммад Илҳом ўғли

Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Жўрабеков Тохиржон Маъмуржон ўғли

Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси

Тел: +99899 826-99-16

Аннотация. Ушбу мақолада жаҳонда кенг тарқалган интернет фирибгарлигининг турлари ва ундан ҳимояланиш усуллари кўрсатилган.

Таянч тушунчалар. Киберсквоттинг, Тайпсквоттинг, Фишинг, Спам, Маҳсулот ва хизматларни ўз ичига олган реклама, Тўлов тизимидаги фирибгарлик, Нигериянча мактублар, Алдаш дастурлари, SMS овоз бериш ва тўлов, компьютер ва фойдаланувчини блокловичи баннерлар.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш йўлида жуда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Кучли иқтисодий ислохотлар даврида мамлакатда турли соҳаларда ижобий ўзгаришлар юз бериши билан бирга ўзгалар мулкига қарши қаратилган айрим жиноятларнинг содир этилиши давом этаётганлиги барчада хавотир уйғотиши ҳеч биримизга сир эмас.

Ҳуқуқшунос олимлар А. Шилова, М. К. Печалина Интернет фирибгарлигини бажариш услубига кўра қуйидаги турларга бўлишган:

- Киберсквоттинг;
- Тайпсквоттинг;
- Фишинг;
- Спам;
- Маҳсулот ва хизматларни ўз ичига олган реклама;
- Тўлов тизимидаги фирибгарлик;
- Нигериянча мактублар;
- Алдаш дастурлари;
- SMS овоз бериш ва тўлов
- компьютер ва фойдаланувчини блокловичи баннерлар.

Киберсквоттинг (ингилизча - cybersquatting) – бу пул топиш усули бўлиб, айрим компания ва брендларнинг янги турдаги маҳсулотларини таҳлил қилишга асосланган. Киберсквоттер янги турдаги бу каби маҳсулотларни аниқлаганда унинг доменига ўхшаш доменни ўз номига расмийлаштириб, қайта сотиш мақсадини кўзлайди. Мисол учун киберскваоттерлар томонидан қуйидагича доменлар яратилиши мумкин:

- Korzinka.uz-Korzinka.uz/Korzinka3.uz;
- dba.uz-dba rasmiy.uz/ dbauz.uz.

Киберсквоттернинг даромадларини қуйидагилар ташкил топади:

- Бренд эгасининг домен номини сотиш;
- Маҳсулот эгасининг ва брендининг номини ва обрўсини қадрсизлантиришга олиб келиб, компаниянинг сохта веб-сайтини яратишга олиб келадиган маълумотлар тарқатиш. Шу сабабли Киберсквоттинг ноқонуний ҳисобланади.

Киберсквоттингдан ҳимояланиш учун компания ва брендларнинг барча домен номини расмийлаштириб рўйхатдан ўтказиб қўйиш зарур.

Тайпсквоттинг-киберсквоттингнинг бир тури бўлиб, классик киберсквоттинг каби доменларни қалбакилаштириш билан эмас, балки ўхшаш домен яратиш орқали фаолият олиб боради. Бунда, домен номлари биргина харфни тушириб қолдириш орқали шакллантирилади. Тайпсквоттинг доменларига мисол қилиб қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- <https://yandex.uz/> - <https://andex.uz/>
- <https://nbu.uz/uz/> - <https://nb.uz/uz/>

Тайпсквоттингдан ҳимояланиш учун тегишли доменларни бир неча хил вариантларда расмийлаштириш натижасида тайпсквоттерлар ҳужумини олдини олиш мумкин.



Фишинг (инглизча-балиқ овлаш) – интернет фирибгарлигининг энг кўп тарқалган турларидан бири бўлиб, бунда фишерлар жабрланувчи шахсларнинг банк ҳисобрақамлари ва уларга тегишли идентификация рақамлари ҳамда кодларини қўлга киритиш учун уларни турли йўллар билан ишонтиришга ҳаракат қиладилар. Бундай жиноий фаолиятни амалга оширишда улар интернет, хусусан, “Instagram”, “Tik tok” каби ижтимоий тармоқлар, “Telegram” ва “Watsapp” каби мессенжерлардан фойдаланадилар. Ўзларининг қабих ниятларини амалга ошириш учун фишерлар қуйидаги усулларни қўллайдилар:

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В. А. Шилова, М. К. Печалина. Интернет-мошенничество как значимая характеристика «Экранного мира» сети стр. 325-327 <https://cyberleninka.ru/article/n/>
2. В. А. Шилова, М. К. Печалина. Интернет-мошенничество как значимая характеристика «Экранного мира» сети стр. 325-327 <https://cyberleninka.ru/article/n/>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят Кодекси” 168-модда 1-қисм (11.06.2022 ҳолатига) <https://lex.uz/docs/111453>
4. Асосий мақсад – аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил 10 январь куни мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. URL: <http://www.uza.uz>.
5. И.А. Никитина Финансовое мошенничество в сети интернет. УДК 343.37. <https://cyberleninka.ru/article/n/finansovoe-moshennichestvo-v-seti-internet>
6. Хренов С. Интернет-мошенничество с использованием технологий сотовой связи. URL: <http://www.breru/security/13296/html>



ИНТЕРНЕТ ФИРИБГАРЛИГИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.

Маматов Шермухаммад Илҳом ўғли
Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси
Абдуллаев Файзулла Абдикодир ўғли
Маъмурий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси
Тел: +99899 826-99-16

Аннотация. Ушбу мақолада жаҳонда кенг тарқалган интернет фирибгарлигининг турлари ва ундан ҳимояланиш усуллари кўрсатилган.

Таянч тушунчалар. Киберсквоттинг, Тайпсквоттинг, Фишинг, Спам, Маҳсулот ва хизматларни ўз ичига олган реклама, Тўлов тизимидаги фирибгарлик, Нигериянча мактублар, Алдаш дастурлари, SMS овоз бериш ва тўлов, компьютер ва фойдаланувчини блокловчи баннерлар.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш йўлида жуда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Кучли иқтисодий ислохотлар даврида мамлакатда турли соҳаларда ижобий ўзгаришлар юз бериши билан бирга ўзгалар мулкига қарши қаратилган айрим жиноятларнинг содир этилиши давом этаётганлиги барчада хавотир уйғотиши ҳеч биримизга сир эмас.

Мамлакатимиз Конституциясида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлилиги, банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидалигини, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкинлигини, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эғалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши. мулкдан фойдаланиш фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги ҳақида қатъий таъкидлаб ўтилган[1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги вазифаларга бағишланган 2019 йилнинг 10 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек: - “Бугунги глобаллашув даврида янгидан- янги таҳдид ва хавф-хатарлар пайдо бўлмоқда, жиноятларни содир этиш усул ва воситалари, мақсадлари ўзгариб бормоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда кейинги икки йилда мазкур масалалар бўйича 100 дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, ички ишлар тузилмалари ислоҳ этилди. “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз туризм”, “Хавфсиз хонадон” тизимлари жорий этилди ҳамда 24 соатлик патруль хизмати йўлга қўйилди. Қўрилаётган чоралар натижасида фуқароларимизда адолат ва қонун устуворлигига ишонч пайдо бўлмоқда. Лекин, хотиржамликка берилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, ҳали олдимизда қилинадиган ишлар кўп”[2].

1. Интернет фирибгарлиги тушунчаси ва бошқа фирибгарликлардан фарқи;

Жиноят қонунига кўра **фирибгарлик** деганда, алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш тушунилиши ҳақида расмий таъриф кўрсатиб ўтилган[3]. Айни даврда инсоният тараққиёти, техника ва технологиялар ривожланиши натижасида барча жиноятларнинг, жумладан фирибгарликнинг ҳам турли хилдаги кўринишлари кўпайиб бормоқда. Булардан энг хатарли ва замонавий таҳдид - **Интернет фирибгарлигидир**. Интернет фирибгарлиги деганда, интернет жаҳон ахборот тармоғи ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш тушунилади. Бу борада, Россиялик ҳуқуқшунос олим И.А. Никитина: “Интернет фирибгарлиги - анъанавий фирибгарликнинг замонавий тури бўлиб, ўзганинг мулкни интернет ёрдамида ишончни суистеъмол қилиш орқали қўлга



киритишдир”[4],-дея таъриф берган.

Интернет фирибгарлигининг шахс онгига таъсир кўрсатиш шакли ва воситалари. Интернет фирибгарлари ўз қабих ниятларига эришиш учун турли хил айёрликлардан фойдаланадилар. Ушбу турдаги фирибгарлик иккита: психологик ва технологик таркибдан ташкил топади[5]. Психологик таркиб жабрланувчининг рухига таъсир қилиб, ўз мулкани бошқа шахсларнинг қўлига топшириб қўйиши учун мотивацион хиссиётларни уйғотади. Психологик таъсир қуйидаги элементлардан ташкил топади:[6]

1. Даромад топишга интилиш - тез бойиб кетиш мақсадида фирибгарларнинг қармоғига тушиб қолиш (масалан, инвестицион фирибгарлик, молиявий пирамидалар)

2. Пулли хизмат ва маҳсулотларни бепул қўлга киритиш истаги (масалан, ҳақ тўланмайдиган).

3. Қўлга киритиш қийин ёки мумкин бўлмаган педметларни қўлга киритиш истаги асосан аукцион, мавжуд бўлмаган маҳсулот ва хизматларни сотишда намоён бўлади.

4. Ғамхўрлик ва ачиниш хислари.

Фирибгарлар ушбу элементлар асосида жабрланувчининг рухиятига таъсир қилиб, ачиниш, меҳр-муҳаббат каби хиссиётларини уйғотади ҳамда ишончни суитеъмол қилиш йўли билан моддий қимматликларни қўлга киритади. Бу каби ҳолатларга, тузалмас дардга йўлиққанлик, табиий офатардан жабрланганлик, фарзандларини боқиш учун пул кераклиги каби инсон хис-туйғуларига таъсир қилувчи баҳоналарни мисол қилиб келтириш мумкин.

Интернет фирибгарлигининг технологик таркиби эса, фирибгарларга биринчидан, потенциал жабрланувчиларга биринчи бўлиб маълумот етказишни; иккинчидан, ўзининг анонимлиги ва хавфсизлигини таъминлашни; учинчидан, моддий қимматликларни жабрланувчи билан тўғридан-тўғри мулоқатга киришмасдан қўлга киритиш каби имкониятларни яратиб беради.

Интернет фирибгарлари ўзларининг қора ниятларини амалга оширишлари учун Интернет тармоғида мавжуд бўлган қуйидаги техник-информацион воситалардан фойдаланишади:

1. World Wide Web (WWW) ёки бутун жаҳон ўргимчак тўри деб аталувчи интернет тармоғи;

2. E-mail (электрон почта) – ҳозирги пайтда ер юзи бўйлаб миллионлаб фойдаланувчиларга эга бўлган, спам юбориш мақсадида фирибгарлар томонидан фаол фойдаланиладиган восита[7];

3. BBS - электрон эълонлар тахтаси. АҚШ фукаролари томонидан жудаям кенг фойдаланиладиган тармоқ.

4. Электрон тўлов ёки электрон пуллар тизими.

Интернет фирибгарлигининг эътиборли жиҳати шундаки, фирибгарлар нафақат ахборот-технологиялардан фаол фойдаланиш балки, уларни жиноят қуроли сифатида қўллаш натижасида қуйидагиларга эришадилар:

- такдим этилган фирибгарликка фаолиятига доир маълумотларнинг ишончилиги учун электрон почта орқали юборилган ва электрон тахталар ва веб-сайтларда жойлаштирилган маълумотларнинг тўғрилиги тўғрисидаги доимий ва самарали маълумотларни яратиш;

- Интернет ва сайт фойдаланувчиларининг шикоятлар тўғрисидаги маълумотларни алмаша олмаслиги;

- фукаролар ва интернет ўртасидаги фуқровий-ҳуқуқий муносабатларнинг издан чиқиши.

Интернет фирибгарлиги ўзининг янги принциплари асосида жиноий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган қуйидаги белгиларга эга:

- Юқори даражадаги яширинлик;

- Жиноят содир этишнинг хилма-хиллиги;

- Трансмиллий ва глобал характерга эгалигида;

- жиноят-процессуал, терговга қадар текширув ва ишга алоқадордалилларни тўплашнинг қийинлиги,

Интернет фирибгарлигидан жабрланувчилар ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар бўлиши мумкин. Кўплаб ҳолатларда тўлов операцияларини мунтазам равишда амалга ошириб келганлиги туфайли юридик шахслар кўпроқ жабр кўрадилар.

Интернет тармоғи фирибгарлар учун юқори даражадаги анонимликни яратиб беради. Бу эса интернет фирибгарлиги - жиноятчиликнинг ҳали ахборот жамиятимиз қаршилиқ кўрсатишга тайёр бўлмаган энг юқори даражадаги яширин тури эканлигини кўрсатади.

Ҳуқуқшунос олим И.А. Никитина интернет ёрдамида содир этиладиган фирибгарликни



қуйидаги гуруҳларга бўлган:

- Онлайн аукционлар;
- маҳсулот етказиб бериш;
- ҳамкорлик дастурлари;
- уяли алоқадан фойдаларган ҳолда амалга оширилувчи;
- фишинг.

Хукукшунос олимлар А. Шилова, М. К. Печалина Интернет фирибгарлигини бажариш услубига кўра Киберсквоттинг, Тайпсквоттинг, Фишинг, Спам, Маҳсулот ва хизматларни ўз ичига олган реклама, Тўлов тизимидаги фирибгарлик, Нигериянча мактублар, Алдаш дастурлари, SMS овоз бериш ва тўлов, компьютер ва фойдаланувчини блоклови баннерлар кби турларга бўлишган[8].

Киберсквоттинг (ингилизча - cybersquatting) – бу пул топиш усули бўлиб, айрим компания ва брендларнинг янги турдаги маҳсулотларини таҳлил қилишга асосланган. Киберсквоттер янги турдаги бу каби маҳсулотларни аниқлаганда унинг доменига ўхшаш доменни ўз номига расмийлаштириб, қайта сотиш мақсадини кўзлайди. Мисол учун киберскваоттерлар томонидан қуйидагича доменлар яратилиши мумкин:

- Korzinka.uz-Korzinka.uz/Korzinka3.uz;
- dba.uz-dba rasmiy.uz/ dbauz.uz.

Киберсквоттернинг даромадларини қуйидагилар ташкил топади:

- Бренд эгасининг домен номини сотиш;
- Маҳсулот эгасининг ва бренднинг номини ва обрўсини кадрсизлантиришга олиб келиб, компаниянинг сохта веб-сайтини яратишга олиб келадиган маълумотлар тарқатиш. Шу сабабли Киберсквоттинг ноқонуний ҳисобланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 36, 53, 54-моддалар (19.06.2022й. ҳолатига) <https://lex.uz/docs/20596> Асосий мақсад – аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил 10 январь куни мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. URL: <http://www.uza.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят Кодекси” 168-модда 1-қисм (11.06.2022 ҳолатига) <https://lex.uz/docs/111453>
3. И.А. Никитина Финансовое мошенничество в сети интернет. УДК 343.37. <https://cyberleninka.ru/article/n/finansovoe-moshennichestvo-v-seti-internet>
4. Хренов С. Интернет-мошенничество с использованием технологий сотовой связи. URL: <http://www.breru/security/13296/html>
5. И.А. Никитина Финансовое мошенничество в сети интернет. УДК 343.37. <https://cyberleninka.ru/article/n/finansovoe-moshennichestvo-v-seti-internet>
6. Альтовский Е. Правовое противодействие спаму // Информационное право. 2006. № 3. С. 38–40.
7. И.А. Никитина Финансовое мошенничество в сети интернет. УДК 343.37. 123 бет. <https://cyberleninka.ru/article/n/finansovoe-moshennichestvo-v-seti-internet>
8. В. А. Шилова, М. К. Печалина. Интернет- мошенничество как значимая характеристика «Экранного мира» сети стр. 325-327



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “СУД НАЗОРАТИ” ВА “СУД КОНТРОЛИ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ КЕНГ ҚЎЛЛАНИШИНИНГ АҲАМИЯТИ.

Мухиддин Махмудов

Тошкент вилояти Нурафшон туманлараро
маъмурий судининг судьяси
m.nurafshon@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Суд – ҳуқуқ соҳасида атамаларни тўғри йўлга қуйиб ишлатиш, бу норматив ҳужжатларни тушунарли бўлишини таъминлаб қолмай, балки маъносини аниқ равшан ишлатилишини таъминлаб беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Одил судлов, Суд ҳокимияти, Суд назорати, Суд контроли, Суд назорати субъектлари.

Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида таркибий қисми сифатида қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти, сиёсий партия ҳамда жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда ҳаракати алоҳида аҳамият касб этади. Чунки айнан суд ҳокимияти ҳар қандай қарор, ҳужжат, ҳаракатнинг қонунийлиги ёки ноқонунийлиги бўйича юзага келадиган низоларни ҳал қилиш ваколатига эга. [1]

Бугунги кунда суд назорати (контроль) тушунчасини комплекс моҳиятини умумназарий таҳлилини очиб бериш орқали, суд тизимида амалга оширилаётган замон талабига мос келувчи ҳуқуқий ислохотларга замин яратиш билан бир қаторда, назорат тадбирларининг таъсирчан самарадорлигини ошаётганлигини кўриш мумкин.

Суд ҳокимияти функцияси ҳақида гапирганда унинг мақсади ва вазифаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Чунки, ушбу функциялари давлат мақсадида ва вазифалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, давлат ўз олдига қўйган мақсадга эришиши учун маълум бир вазифаларни ҳал қилиши лозим, бу эса тегишли функцияларини амалга ошириш билан боғлиқдир.

Шуни қайд этиш лозимки, “мақсад”, “вазифа”, “функция” тушунчалари бир-биридан ажралмас бўлиб, улар суд ҳокимиятининг моҳиятига мос равишда шаклланади.

Мақсад бу муайян давлат органининг тараққиётидаги кейинги босқичда эришмоқчи бўлган ҳолати бўлса (масалан: фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш) вазифа эса ушбу мақсадга эришиш учун ҳал этилиши лозим бўлган масалалар, функция- вазифалар ечимига қаратилган фаолият йўналишидир.

Суд назоратининг моҳияти - махсус ваколатли органлар (судлар) ва мансабдор шахслар (судьялар) томонидан, ҳуқуқий фаолият соҳасида ваколат берилган маъмурий органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва қарорларидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя, риоя қилиш мақсадида қабул қилинган ва қўлланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлашга қаратилган процессуал текширишдир.

Суд назорати субъектлари: Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туманлараро маъмурий судлардан иборатдир. [2]

Суд назоратининг турлари конституциявий, шунингдек, жиноят процессининг судгача бўлган босқичларда, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судларда ҳамда маъмурий судлар фаолиятида ўз аксини топади.

Ҳозирги кунда, суд назорати ва суд контроли тушунчалари ҳуқуқий мақоми жиҳатидан ажратилмаган бўлсада, аксарият олимлар томонидан мантиқан бу тушунчалар икки хил



маънони англатишини, қонунчилик қўллаш вақтида мазкур терминларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини билдиришади. Шундай экан, “Суд контроли” ва “Суд назорати” сўзларини алоҳида маънода ишлатилишини кўришимиз мумкин.

“Суд контроли” тушунчаси Ўзбекистон Қонунчилигида қўлланилмасда, бироқ хорижий давлатлар юрисдикциясида масалан, Россия Федерация, Франция, Англия, Польша ва бошқа давлатларда “Суд контроли” сўзи кенг қўлланилади.

Бироқ, изланувчилар ўртасида бу сўзлар ўртасидаги фарқ юзасидан ҳали бир аниқ бир тухтамга келинмаган. [3] Бироқ, Қонун ҳужжатларида, шунингдек, қонунчиликда назорат ва контролни фарқлаш учун аниқ мезонлар мавжуд эмас. [4]

Замонавий луғатда “Контроль” сўзининг маъноси дейилганда:

а) текшириш, текшириш мақсадида кузатув; б) кимнингдир фаолиятини текширувчи муассаса; в) назоратчилар деган маъно тушунилади. Бундан ташқари, рус олими Д. Н. Ушаков раҳбарлиги ёзилган луғатда Контроль сўзи француз тилидан *controle* олинганлигини, яъни а) кузатиш, бирор нарсани назорат қилиш текшириш мақсадида. 2) қайсидир мансабдор шахснинг фаолиятини контроли амалга ошириш мисолида кўрсатилади. [5]

Шунингдек, инглиз тилидаги луғатлар *control* сўзини маъносини қўйидагича ифодалайди а) маъмурий таъсир орқали бошқарув ёки доминант таъсир; б) ушлаб туриш, чегаралаш; в) текшириш, маъноларини ёритади. [6]

Назор сўзининг маъноси эса, назорат қилиш, бировни назорат қилиш, назорат қилиш мақсадида ҳимоя қилиш маъноларини англатади. Бундан ташқари рус олими Д. Н. Ушаков раҳбарлиги ёзилган луғатда НАЗОРАТ сўзининг маъноси - назорат қилиш. кимнидур устидан назорат ўрнатмоқ. кимнингдир назорати остида бўлмоқ. 2) белгиланган тартиб қоидаги риоя этилишини назорат қилиш маъносида келади, лекин таъсир чораси бўлмайди. Прокурор назоратига келтириш. Санитария назорати. [7]

Рус олимаси Галанина Л.А. фикрича контроль фаолияти 2 га бўлинади. а) давлат контроли. б) ижтимоий (жамоа) контролини ўз ичига олади. [8]

Ёндашувларни жамлашимиз шуни кўрсатади-ки, “Суд назорати” ва “Суд контроли” тушунчаларини маъноларидан келиб чиқиб, алоҳида – алоҳида талқин қилиш лозим бўлади, бу эса, суд фаолияти соҳасида қўлланиладиган атамани асл маъносини чуқурроқ кўрсатиб, икки хил маъноли сўзларни бир хил маънода талқин қилинишига йўл қўйилмайди.

Таъкидлашимиз лозимки, Суд ҳокимиятининг Одил судловни амалга ошириш функциясида ташқари ўз фаолиятида алоҳида муҳим функция - суд назорати функциясини амалга оширади. [9]

Ўзининг маъноси билан бу функция рус олими Масликов И.С. фикрича уч тоифага тавсифланади: «Биринчидан, бу албатта, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган; иккинчидан, бир ҳокимиятнинг бошқа ҳокимиятларнинг ваколатларига аралашувини чеклаш, шу билан ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойилига риоя этилишини назорат қилиш; учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳимоя қилишга қаратилган – мамлакатнинг асосий қонуни» [10]

Суд назорати суд ҳокимиятининг амалга оширишнинг алоҳида функцияси сифатида эътироф этилиб, одил судловни амалга оширишда ўз – ўзидан суд ўз функциясини бажариши билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилади, қонунларга риоя этилишини назорат қилади, мансабдор шахслар томонидан қонунларни амалга оширилишини назорат қилади.

Рус олимаси Черпунова Н.М. таъкидланишича, судлар одил судловни амалга оширишда конституциявий характердаги суд назоратини амалга ошириб, конституция ва қонунларда келтирилган нормалар доирасида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади. [11]

Ю.М.Алпатованинг фикрича – Суд назорати бу Конституция ва Қонун ости актларига, қарор ва давлат органлари мансабдор шахсларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)га маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва органларнинг, оммавий ҳуқуқи фаолиятни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг низо (конфликт) ҳал қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган давлатнинг юрисдикцион фаолияти.[12]

Н. М. Чепурнова ва В. А. Ржевскийлар “Одил судлов назорати Олий суд томонидан қўйи судларнинг суд фаолияти, ижро ҳокимияти соҳасидаги суд контроли, суд конституциявий назорати” бу ҳам суд ҳокимиятини амалга оширишнинг белгиси эканлигини билдиради.



[13]

Демак, суд назорати сифатида шуни таъкидалашимиз мумкин-ки, "Ўзбекистон ҳуқуқ тизими ваколатларни ажратиш назарияси ва унга асосланган "маъмурий адлия ёки бошқарув фаолиятининг қонунийлиги устидан суд назорати" институти қисман қабул қилинган дейилса адашмаган бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекснинг 27-моддасида маъмурий судлар томонидан ҳал этиладиган муносабатлар келтирилган.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкин, суд – ҳуқуқ соҳасида атамаларни тўғри йўлга қуйиб ишлатиш, бу норматив ҳужжатларни тушунарли булишини таъминлаб қолмай балки маъносини аниқ равшан, раво бўлишини таъминлаб беради. Демак, халқаро атама бўлган “Контроль” сўзи билан “Назорат” сўзини ўртасида чегарани аниқ очиб берилса, қонунчиликдаги тушунмовчиликларни олди олиниб, ижро этилиши лозим бўлган, аниқ мазмундаги ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати РЎЙХАТ

1) Қаранг: Д.Арипов, Р.Тожибоев. – “Жиноят ишини судга қадар юритиш ва жазони ижро этиш босқичларида суд назоратини жорий қилишнинг зарурияти ва аҳамияти” Судьялар ва судьялик номзодлари учун мўлжалланган монография. -Т.: IMPRESS MEDIA/ 2019. 6-б.

2) Контрольная и надзорная юридическая деятельность: к вопросу о разграничении понятий // Право и политика. 2014. № 2. С. 245- 251 и другие.

3) Шесткова Е.С. Общетеоретическое исследование контрольной (надзорной) деятельности государства // Вопросы управления. 2014. № 6. С. 230-232.

<https://ushakovdictionary.ru/word.php?wordid=24929>

1) Американский словарь для колледжей. Наследие. Изд. 3-е. Бостон-Нью-Йорк, 1997. С. 303.

<https://ushakovdictionary.ru/word.php?wordid=31956>

2) Галанина Л.А. Организационно-правовое обеспечение контроля за исполнением нормативно-правовых актов в субъектах Российской Федерации. М., 2001. С. 33.

3) Бучакова М.А. Судебный контроль: некоторые теоретические подходы // Вестник Омского университета. Серия «Право». 2017. № 1. С. 156-161 и другие.

4) Масликов И.С. Судебная власть в государственном механизме РФ: автореф. дис. ... канд. юрид наук. М., 1997. С. 11.

5) 1 Чепурнова Н.М. Судебный контроль в Российской Федерации. С. 59

6) 2 Алпатов Ю.М. Вопросы процессуального права и судебный контроль // Ученые труды Российской академии адвокатуры и нотариата. 2016 № 3 (42). С. 92.

7) 2 Савельева Т. А. Судебная власть в гражданском процессе. Саратов, 1997.

8) Лазарева В. А. Судебная власть и ее реализация в уголовном процессе. Самара, 1999. С. 56.

9) Савельева Т. А. Судебная власть в гражданском процессе. Саратов, 1997.



ҚИМОР ВА ТАВАККАЛЧИЛИККА АСОСЛАНГАН БОШҚА ЎЙИНЛАР ТУШУНЧАСИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Жўрабеков Тохиржон Маъмуржон ўғли
Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси
Рўзиева Мубина Содикжон қизи
ИИВ Академияси курсанти
Тел: +99899 826-99-16

Аннотация. Ушбу мақолада кўплаб салбий ҳолатларга сабаб бўлувчи иллатлардан бири-қиморнинг янги турлари ҳақида фикр юритилган бўлиб, ушбу иллатнинг қонунийлик масаласига тўхталиб ўтилган.

Таянч тушунчалар. Қимор, таваккалчиликка асосланган ўйинлар, букмекерлик, татализатор.

Сўнгги йилларда ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида ҳуқуқбузарликларнинг янги кўринишлари сони жадал равишда ортиб бормоқда. Маълумки, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этиш, во-яга етмаганни ушбу ўйинларда иштирок этишга жалб қилиш, бундай ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш ёки хизматлар кўрсатишга кўмаклашиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, тарқатиш назарда тутилган ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси”нинг 191-моддасига[1] мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилиши, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш ва МЖТКнинг 191-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни бир йил давомида такроран содир этганлик учун эса Жиноят Кодексининг 278-моддасига асосан жиноий жавобгарлик белгиланган.

2018-2021 йилларда мамлакатимиз фуқароларининг букмекерлик компаниялари томонидан ташкил қилинувчи онлайн қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларга қизиқиши ортиб, уларда фаол иштирок этиш ҳолатлари жуда ҳам кўпайиб кетди. Шу аснода савол туғилади, нима деб ўйлайсиз тотализатор ўйинлари қонунийми? Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 14 сентябрь кундаги “Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-109-сон Қонунининг 1-моддасида[2]: “Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин — ўйин ташкилотчиси (ўйин муассасаси) томонидан бир ёки ундан ортиқ иштирокчилар билан тасодифга (воқеага) ва (ёки) ўйин иштирокчисининг қобилияти, эпчиллиги ва бошқа сифатларига боғлиқ ютуқ тўғрисида тузилган, таваккалчиликка асосланган битимга мувофиқ ўйин ташкилотчилари ва иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари мажмуини назарда тутувчи ўйин, шу жумладан тотализаторлар, казино шунингдек, ўйин автоматларидан фойдаланиладиган ўйин”, - деб таъриф берилган. Лекин, мамлакатимиз қонунчилигида тотализатор ва букмекерлик тушунчалари учун расмий таъриф мавжуд эмас. Бу борада, Россия Федерациясининг 2006 йил 29 декабрь кунда тасдиқланган “Қимор ва таваккалчиликка асосланган фаолиятни тартибга солиш тўғрисидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги №243-ФЗ Қонунида қуйидагича таъриф берилган:

Букмекерлик идораси - қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйин иштирокчилари ўртасида гаров тузувчи ташкилот.

Тотализатор - қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйин иштирокчилари ўртасида битим тузувчи, ушбу турдаги ўйин иштирокчиларидан қабул қилинган гаровга мос ютуқ суммасини, ўз ҳисобига ундирувчи гаров миқдорини чегириб қолган ҳолда тўлаб берувчи ташкилот[3]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 декабрь кундаги “Ўзбекистонда Футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-5887-сон Фармонида мувофиқ[4], 2021 йил 1 январдан бошлаб



халқаро тажрибадан келиб чиқиб спорт соҳасини, айниқса, футболни янада ривожлантириш, унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида букмекерлик фаолиятини лицензияланган тақдирда амалга оширишга рухсат берилган эди. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 апрель кунидаги “Айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПФ-98-сонли Фармони[5]га мувофиқ 2019 йил 4 декабр кунидаги ПФ-5887-сонли Фармоннинг Букмекерлик фаолиятга оид қисми бекор қилинди.

Юқоридагиларга асосан, “1XBET”, “Mostbet”, “Pari Match” каби букмекерлик компаниялари Ўзбекистон ҳудудида хизматларни амалга ошириши ноқонуний ҳисобланади. Ушбу букмекерлик компаниялари орқали қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларда иштирок этиш, вояга етмаган шахсни ушбу ўйинларда иштирок этишга жалб қилиш, шунингдек, букмекерлик иловаларини тарқатиш каби ҳолатлар тегишли тартибда маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси <https://www.lex.uz/acts/97664>
2. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида <https://lex.uz/docs/1248311?ONDATE=15.07.2021%2000>
3. Федеральный закон от 01.07.2021 n 243-фз "О внесении изменений в закон российской федерации" о праве граждан Российской Федерации на свободу передвижения, выбор места пребывания и жительства в пределах Российской Федерации" и статью 271 гражданского процессуального Кодекса Российской Федерации" http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_388789/



ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА МУТАХАССИС ИШТИРОКИНИНГ ТАРТИБИ ВА АҲАМИЯТИ

Очилов Ильяс Абдураимович
Хатирчи тумани ИИБ ЖХХ ХПБ
профилактика катта инспектори
Телефон: +998(90) 425 90 07
temurmavlonov12345@gmail.com

Анотация: Исбот қилиш жараёнида иштирок этувчи шахслардан бири бўлган мутахассиснинг тергов ҳаракатлари ўтказиш жараёнида иштироки билан боғлиқ аҳамиятли ҳолатлар билан боғлиқ фикрлар ушбу мақолада акс эттирилган.

Калит сўзлар: мутахассис, **тергов ҳаракатлари**, вояга етмаган шахс, тергов-тезкор гуруҳи, суриштирувчи, экспертиза, эксгумация.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар жиноят-процессуал қонунини ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб суд-тергов амалиётга мослаб тақомиллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда. Жиноят-процессуал қонунининг самарали тизими – қонунийлик, шахс, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони [1], Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунининг [2] қабул қилинганлиги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини тақомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Тергов ҳаракатларини ўтказиш давомида мутахассис билимлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир тушунчанинг таҳлили албатта унинг луғавий маъноси билан чамбарчас боғлиқ. «Мутахассис» атамасининг луғавий маъносига «бирор соҳада ихтисос олган, ихтисос эгаси, бирор соҳада махсус билим ва тажрибага эга бўлган киши..» деб изоҳ берилган.¹ [3]

Бундан ташқари мутахассис атамасининг луғавий маъносига «тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун чақириладиган, шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар» деб изоҳ берилган² [4]

Шундан келиб чиқиб далилларни тўплаш учун махсус билим ва малакага эга бўлган шахсни ўтказиладиган суд ва тергов ҳаракатларига жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассис: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасини юритишда далилларни топиш ва қайд этиш учун фан-техника воситалари, махсус билим ва малакадан фойдаланган ҳолда иштирок этиши; иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг эътиборини қаратиши; ўзи бажараётган ҳаракатлар бўйича тушунтиришлар бериши; жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, содир қилинишига имкон берган шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатсиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Тергов ҳаракатларини ўтказишда ишда мутахассис иштирокини таъминлаш жиноят процессуал қонун ҳужжатларда терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига юклатилган. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья суд ва тергов ҳаракатларида махсус билимга эга бўлган шахс яъни мутахассис

1 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., 2006. – Б. 654.

2



ёрдамидан фойдаланади.

Тергов ҳаракатларини ўтказишда махсус билим ва малакага эга бўлган мутахассисларнинг ёрдамидан қадим замонлардан буён фойдаланиб келинмоқда. Мутахассисдан қадимги Ҳиндистонда Ману қонунлари, Тан сулоласи даврида мутахассис имкониятларидан фойдаланилганлиги, Хитой суд тиббиёти манбаларидан бири «Си-Юань-лу»да мурдани кўздан кечириш, ўткир, ўтмас қуроллар билан етказилган жароҳат, улим ҳолатлари, мурдларнинг чириши билан боғлиқ текширувлар ҳақидаги маълумотларни аниқлашда, Юлий Цезарнинг мурдасидаги жароҳатларнинг жойлашган жойини аниқлашда, «Германия миллатининг Муқаддас Рим империяси» ёки «Каролина» номли қонунлар тўпламида ўлим оқибатларини аниқлашда махсус билимга эга бўлган мутахассис ёрдамидан фойдаланилганлиги мисоллар билан асослантирилган.

Мутахассис билимларидан жиноят юз берганлигини ва у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш учун тергов ҳаракатларини ўтказишда фойдаланиш иш самарадорлигини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимия қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 10 августдаги ПФ-3723-сон фармони // <http://lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2018 йил 4 апрелдаги қонуни // <http://lex.uz>.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., 2006. – Б. 654.
4. Электрон манба: <https://advice.uz/oz/document/2457> (мурожаат этилган сана: 01.04.2022)



ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ ДАВОМИДА КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Очилов Ильяс Абдураимович
Хатирчи тумани ИИБ ЖХХ ХПБ
профилактика катта инспектори
Телефон: +998(90) 425 90 07
temurmavlonov12345@gmail.com

Анотация: Ушбу мақолада терговга қадар текширув жараёнида кўздан кечириш тергов ҳаракатининг айнан ҳодиса содир бўлган жойда амалга ошириладиган ҳаракатлари билан боғлиқ айрим процессуал қоидаларга оид фикрлар ёритилган.

Калит сўзлар: кўздан кечириш, ариза, ҳодиса содир бўлган жой, тергов-тезкор гуруҳи, жиноят излари, экспертиза, ваколатли орган.

Жиноят процессида ишни судга қадар юритиш жараёнида жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш юзасидан ваколатли органлар томонидан қонуний қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ жараёни ўз ичига олади. Жиноят-процессуал кодексининг 39¹-39²-моддаларида [1] терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахсларининг ваколатлари тартибга солинган. Ушбу ваколатлар доирасида терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси жиноятга оид ариза ва хабарларни ҳал этишда жиноят-процессида белгиланган тартибда жиноятга оид ариза ва хабарларни кўриб чиқади.

Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддатлар келиб тушган мурожаат рўхатга олинган вақтдан бошланади. Терговга қадар текширув жараёнида жиноятга оид ариза ва хабарларни кўриб чиқишда ўтказиладиган тергов ҳаракатлари қонунда белгиланган. Ушбу тергов ҳаракатларига шахсий тинтув ва олиб кўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш киради. Ушбу тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали терговга қадар текширув натижаси юзасидан қарор қабул қилинади.

Қонунда тергов ҳаракатларини ўтказиш билан боғлиқ қоидалар тартибга солинган. Терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси ушбу қоидаларга амал қилиб тергов ҳаракатларини ўтказиши лозим. Тергов ҳаракатларини ўтказиш учун белгиланган қоидаларга риоя қилиниб ўтказилган тергов ҳаракати натижасида олинган далилларгина ишни қонуний ҳал этиш учун асос бўлади. ЖПКда ҳар бир тергов ҳаракатларини ўтказиш учун асослар белгиланган бўлиб, ушбу асосларга кўра терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси тергов ҳаракатларини ўтказиши тартибга солинган. Унга кўра тергов ҳаракатларни ўтказиш учун асос жиноятга оид бўлган ариза ва хабарлар ёки терговга қадар текширув органи мансабдор шахси томонидан чиқарилган қарор ҳисобланади.

Терговга қадар текширув жараёнида ўтказиладиган кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби ва унинг натижаларини процессуал жиҳатдан расмийлаштириш тартибига тўхталиб ўтамиз. ЖПКнинг 135-141-моддаларида [1] кўздан кечириш тергов ҳаракатларини ўтказиш тартибга солинган. Кўздан кечириш жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечириш тушунилади. Терговга қадар текширув жараёнида кўздан кечириш учун келиб тушган жиноятга оид ариза ва хабарлар асос бўлиб хизмат қилади. ЖПКда кўздан кечириш тергов ҳаракатини терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси ўтказиши ваколатига эгаллиги тартибга солинган. Лекин, ушбу тергов ҳаракатларни қонунда бир нечта турлари мавжудлиги тартибга солинган. Унга кўра ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, мурдани кўздан кечириш, теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш ва нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш турлари белгиланган. ЖПКнинг 329-моддаси иккинчи қисмида [1] жиноятга оид ариза ва хабарларни кўриб чиқишда кўздан



кечиришнинг ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш турини ўтказиш лозимлиги тартибга солинган. ЖПКнинг 39¹-моддасида [1] терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар белгиланган бўлиб ушбу органлар томонидангина жиноятга оид ариза ва хабарларни кўриб чиқишда кўздан кечиришни ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш турини ўтказишни назарда тутган. Кўздан кечириш тергов ҳаракатини мурдани кўздан кечириш, теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш ва нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш турлари жиноятга оид ариза ва хабарларни кўриб чиқишда терговга қадар текширув жараёнида терговга қадар текширув органининг мансабдор шахслари томонидан ўтказилади. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси билан терговга қадар текширув жараёни бир-биридан фарқ қилади. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси жиноятга оид бўлган ариза ва хабарларни мазмунига кўра текширув талаб қилган ҳолларда терговга қадар текширувни амалга оширади. Терговга қадар текширув жараёни кенгрок бўлиб ҳар бир содир этилган жиноят юзасидан ўтказиладиган жараён ҳисобланади. Терговга қадар текширув жараёни суриштирувчи терговчи томонидан ёки тергов тезкор гуруҳи тамонидан ўтказилиши ҳам мумкин. Ушбу жараёнларда кўздан кечиришнинг барча турларини ўтказиш амалга оширилади. Кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси икки нафар холис ва мутахассисни жалб қилиб, уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, улардан ушбу тергов ҳаракатларида фаол иштирок этишини талаб қилиб, кўздан кечиришни бошлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/111460> (Мурожаат этилган сана: 25.07.2022)



**ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН
МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ
МАСАЛАЛАРИ: МДХ ДАВЛАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ҚИЁСИЙ-
ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ**

Абдираимов Абдикадир Абдуллаевич

Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Абдуллаев Файзулла Абдикадир ўғли

Маъмурий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси

Тел. +99899 826-99-16

Аннотация. Ушбу мақолада МДХ давлатларининг ҳамда мамлакатимиз маъмурий қонунчилигидаги инсон психикаси, онги ва иродасига таъсир қилиб, келгусида ҳуқуқбузарликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган гиёҳвандлик, психотроп, токсик ёки бошқа психоактив моддаларни истеъмол қилганлик ҳолатлари учун жавобгарлик нормаларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч тушунчалар: жамоат жойлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, токсик моддалар, психоактив моддалар

Сўнгги йилларда илм-фан ривожини, технологиялар тараққиёти натижасида фармакологик, хусусан, инсон асаб тизими, онги ва иродасига кучли таъсир қилувчи гиёҳвандлик моддаларининг турли хилдаги аналоглари кўпайиб бормоқда.

Россия Федерациясининг “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги кодексининг 20.20 моддасида[3]: “Жамоат жойларида маст қилувчи моддалар яъни спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ёхуд потенциал хавфли психоактив моддаларни истеъмол қилганлик ҳаракатлари учун жавобгарлик белгиланган.

Федерал қонунчилик билан тақиқланган жойлар деганда[4], кўчалар, стадионлар, майдонлар, ҳиёбонлар, жамоат транспортлари ва бошқа жамоат жойлари назарда тутилади.

Қирғизистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги кодексининг 81 моддасида[6]: “Жамоат жойларида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни, шунингдек, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш”, -ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра: кўчаларда, стадионларда, ҳиёбонларда, жамоат транспортларида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни, шунингдек, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ҳамда жамоат жойларида маст ҳолатда, инсонийлик қадр-қимматини ҳақоратловчи ҳолда ҳамда жамиятда тан олинган одоб-ахлоқ қоидаларини бузган тарзда намоён бўлганлиги учун санкциялар ўрнатилган.

Мамлакатимиз ёнунчилигида эса бундай норма мавжуд эмаслиги туфайли, ёнунчиликдаги коллизия тшдириш маънасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни таклиф қиламиз:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига янги 187¹-модда киритилиши:

187¹-модда. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ёки токсик ва бошқа турдаги психоактив моддаларни истеъмол қилиш

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари ёхуд токсик ва бошқа турдаги психоактив моддаларни шифокор-мутахассис кўрсатмасисиз истеъмол қилиш ёки улардан мастлик ҳолатида бўлиш,-

Базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,-

Базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солинига ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоқ жазосига сабаб бўлади.

Жамоат жойларида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари ёхуд токсик ва бошқа турдаги психоактив моддаларни шифокор-мутахассис кўрсатмасисиз истеъмол қилиш, шунингдек, улардан маст ҳолатда инсон қадр-қиммати ва жамоат ахлоқини камситувчи тарзда бўлиш,-



Базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишига ёки ўн беш суткагача маъмурий қamoқ жазосига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Административная ответственность. Учебное пособие. Оренбург 2018. Страница № 74
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 131 модда <https://lex.uz/docs/97664>
3. Кодекс Российской Федерации от 20 декабря 2021 г. № 195-ФЗ “Об административных правонарушениях”. Глава 20, Статья 20.20 http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661/
4. Закон Российской Федерации от 22 ноября 1995 г. № 171-ФЗ "О государственном регулировании производства и оборота этилового спирта, алкогольной и спиртосодержащей продукции и об ограничении потребления (распития) алкогольной продукции" пункт 7 ст.
5. Кодекс Республики Беларусь от 6 января 2021 г. № 91-З “Об Административных Правонарушениях”. Глава 19, статья 19.3. <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=НК2100091>
6. Кодекс Киргизской Республики от 13 апрель 2017 г. №114 <<О нарушениях>> Раздел V, Глава 15, Статья 81. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111565?cl=ru-ru>
7. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 131 модда <https://lex.uz/docs/97664>



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING JINOIY QONUNCHILIGIDA VOYAGA YETMAGANLARNING JINOYATLARI UCHUN JAVOBGARLIK YOKI JAZODAN OZOD QILISHNING TURLARI

Sayfullayev Shavkat Abdisamatovich

O'zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi Akademiyasi

“Inson huquqlariga oid xalqaro huquq”

magistri sayfullayev.shavkatbek@list.ru

Annotatsiya: Ushbu maqolada voyaga yetmaganlarni jinoiy javobgarlik yoki jazodan ozod qilish turlari, ularning xususiyatlari, tartibi, qo'llanilishi, nazariy ta'riflari yoritilgan. Bundan tashqari, ushbu institut haqida olimlarning fikr-mulohazalari, muallifning fikr-mulohazalari mavjud.

Kalit so'zlar: voyaga yetmaganlar, jinoiy javobgarlik, jazo, jazodan ozod qilish, jazodan ozod qilish, vijdonan o'qish, vijdonan mehnat, majburlov choralari, kechirim so'rash, zararni qoplash, maxsus ta'lim muassasasiga joylashtirish.

Аннотация: В данной статье описаны виды освобождения несовершеннолетних от уголовной ответственности или наказания, их особенности, порядок, применение, теоретические определения. Кроме того, есть мнения ученых об институте и взгляды автора.

Ключевые слова: несовершеннолетние, уголовная ответственность, наказание, освобождение от наказания, освобождение от наказания, добросовестная учеба, добросовестный труд, меры принуждения, извинение, компенсация, помещение в специальное воспитательное учреждение.

Voyaga yetmaganlarni jinoiy javobgarlikka tortishda asosiy jazo turlari o'rniga voyaga yetmagan shaxsning jismoniy va ma'naviy rivojlanishiga salbiy ta'sir ko'rsatmaydigan choralarning qo'llanilishi, ijtimoiy xavfi katta bo'lmagan yoki uncha og'ir bo'lmagan jinoyatni birinchi marta sodir etgan, yoxud ijtimoiy xavfi katta bo'lmagan jinoyatni takroran sodir etgan voyaga yetmagan shaxsga nisbatan ozodlikdan mahrum qilish jazosi qo'llanilmasligining Jinoyat kodeksida nazarda tutilishi insonparvarlik va odillik printsipining namoyon bo'lishi, desak xato bo'lmaydi.

Voyaga yetmaganlarning javobgarligi to'g'risidagi jinoyat qonunini qo'llash muammosi ushbu yosh toifasidagi shaxslar o'rtasida jinoyatlarning oldini olishning jinoyat-huquqiy vositalarini takomillashtirish zarurati bilan belgilanadi. Voyaga yetmaganlar jinoyati O'zbekiston va boshqa davlatlarning eng muhim ijtimoiy va huquqiy muammolaridan biri bo'lib kelgan va shunday bo'lib qolmoqda.

Voyaga yetmaganlar o'rtasida jinoyatchilikning o'sishi davlat siyosatida alohida o'rin tutadigan, bir tomondan bolalar va o'smirlarning huquq va manfaatlarini himoya qilishda, ikkinchi tomondan, jamiyatni himoya qilishda ifodalangan shoshilinch va har doim ham oddiy bo'lmagan choralarni izlash va qo'llashni talab qiladi. Bu chora-tadbirlarga quyidagilar kiradi: ijtimoiy profilaktika, jinoyat-huquqiy chora-tadbirlar, shuningdek, qonunni buzgan shaxslarni tuzatish, shuningdek, yangi jinoyatlar sodir etilishining oldini olish uchun qo'llaniladigan tarbiyaviy tadbirlar.

Yer yuzida so'nggi yillarda sodir etilgan jinoyatlarning 30-40 foizi voyaga yetmaganlar hissasiga to'g'ri keladi¹. Xususan, Amerika Qo'shma Shtatlarida jinoyat sodir etganlikda gumon qilinib, har 45 soniyada 1 nafardan, kuniga 1909 nafar voyaga yetmaganlar hibsga olinayotganligi², Germaniyada 392 mingga yaqin voyaga yetmagan shaxslar jinoyat ishlari bo'yicha gumon qilinuvchi tariqasida ishga jalb qilinganligi³, Buyuk Britaniyada voyaga yetmagan gumon qilinuvchilarning 38,5 % qismi qayta jinoyat sodir etilmoqda⁴.

1 www.un.org. (мурожаат вакти: 14.03.2022).

2 <https://www.childrensdefense.org/policy/policy-priorities/youth-justice> (мурожаат вакти: 14.03.2022).

3 <https://de.statista.com/themen/8074/jugendkriminalitaet-in-deutschland> (мурожаат вакти: 14.03.2022).

4 https://assets.publishing.service.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/862078/youth-justice-statistics-bulletin-march-2019.pdf 62-6. (мурожаат вакти: 14.03.2022).



O'zbekistonda 2019-yilda rasmiy ma'lumotlarga ko'ra 818 nafar voyaga yetmagan shaxslar tomonidan 739 ta jinoyat sodir etilgan. 2020-yilda voyaga yetmaganlar tomonidan sodir etilgan jinoyatlar 53,5 %ga, jinoyat sodir etgan voyaga yetmagan shaxslar soni esa 56 %ga o'sgan. 2021-yilning 11 oyida esa har ikkala ko'rsatkichlar o'tgan yilning shu davriga nisbatan ikki barobarga ko'paygan¹.

Umuman jinoyatchilik va xususan voyaga yetmaganlar jinoyatchiligi bilan kurashishda ijtimoiy-iqtisodiy choralar birinchi o'rinda turishini inobatga olgan holda, ijtimoiy xavfi katta bo'lmagan va uncha og'ir bo'lmagan jinoyatlarni sodir etgan voyaga yetmagan jinoyatchilarning shaxsiga doir belgilarga e'tibor qilib, javobgarlik yoki jazodan ozod qilgan holda jamoatchilikni keng miqyosda jalb qilib tarbiyaviy ta'sir choralari bilan kurashishni kengaytirish katta ahamiyatga ega ekanligini ta'kidlash joiz.

Voyaga yetmagan shaxslarga nisbatan qo'llaniladigan normalar o'ziga xos xususiyatga ega bo'lib, ularni quyidagi ikki guruhga bo'lish mumkin.

Birinchi guruh normalariga – jazo turi, jazo tayinlash, jazodan shartli ozod qilish, javobgarlik va sudlanganlik muddatini belgilovchi normalar;

Ikkinchi guruh normalariga – jazoni o'tash kalloniyasi turlarini belgilovchi, tarbiyaviy xususiyatdagi majburlov choralari kiradi.

Voyaga yetmaganlarni javobgarlikdan va jazodan ozod qilish turini ikki guruhga bo'lish mumkin. Bular:

1. Voyaga yetmaganlarni jinoiy javobgarlikdan yoki jazodan ozod qilishning umumiy turlari;
2. Voyaga yetmaganlarni jinoiy javobgarlikdan yoki jazodan ozod qilishning maxsus turlari.

Voyaga yetmaganlarni jinoiy javobgarlikdan yoki jazodan ozod qilishning umumiy turlariga yuqorida keltirib o'tilgan Jinoyat kodeksining Umumiy qism Beshinchi bo'limida (64-76-moddalar) belgilab qo'yilgan va jinoyat sodir qilishda ayblanayotgan barcha shaxslarga nisbatan qo'llanishi mumkin bo'lgan turidir.

Voyaga yetmaganlarni jinoiy javobgarlikdan yoki jazodan ozod qilishning maxsus turlari majburlov choralari qo'llagan holda jinoiy javobgarlikdan yoki jazodan ozod qilish (87-modda), shuningdek jazoni o'tashdan muddatidan ilgari shartli ravishda ozod qilish (89-modda) va jazoni yengilrogi bilan almashtirish (90-modda) kabilarni kiritish mumkin.

Voyaga yetmaganlarni jinoiy javobgarlikdan yoki jazodan ozod qilishning maxsus turlari sifatida har biriga nazariy jihatdan to'xtalib o'tish maqsadga muvofiq.

Voyaga yetmaganlarni majburlov choralari qo'llagan holda javobgarlikdan ozod qilish.

Voyaga yetmaganlarni majburlov choralari qo'llagan holda javobgarlikdan ozod qilish G.A.Sultanovning² fikricha, majburlov choralari faqat voyaga yetmaganlarga nisbatan qo'llaniladi va o'zida tarbiyaviylik mazmunini ko'proq ifodalaydi, shuningdek ularning qo'llanilishi jinoyat sodir etgan voyaga yetmaganlarning jinoiy faoliyatlarini davom ettirmasliklari va ijtimoiy hayotga tezroq qaytishlari uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

Ushbu institutga murojaat qilgan J.N.Boqiyevning fikricha, majburlov choralari voyaga yetmaganlarga nisbatan qo'llanilganidagina tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'ladi, bunday choralarni voyaga yetganlarga tayinlash maqsadli bo'lmaydi. Buni shu bilan izohlash mumkinki, majburlov choralari qo'llashning asosiy sharti sifatida shaxs voyaga yetmagan bo'lishi lozim³. Fikrimizcha, G.A.Sultanova, J.N.Boqiyev majburlov choralari haqida bildirgan fikri to'g'ri. Ya'ni, voyaga yetmagan shaxslarga nisbatan majburlov choralari qo'llagan holda javobgarlikdan yoki jazodan ozod qilish tarbiyaviy ahamiyatga egaligi, asosan, ushbu institut voyaga yetmaganlarga samarali hamda ularni ijtimoiy hayotga qaytarish uchun xizmat qiladi.

Majburlov choralarining maqsadi haqida so'z yuritilganda, M.A. Lyubvina quyidagicha fikr yuritadi, “ijtimoiy adolatni tiklash, jinoyat sodir etgan shaxsni tuzatish va yangi jinoyatlar sodir etilishining oldini olishdan iborat bo'lgan jazoning maqsadlaridan farqli o'laroq tarbiyaviy ta'sir

1 Давлат статистика қўмитасининг расмий статистикаси // <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2> (мурожаат вақти: 14.03.2022).

2 Султанова Г.А. Вояга етмаганлар учун жазо тайинлашининг ўзига хос хусусиятлари ва амалиёти. Магистрлик диссертацияси. Тошкент 2017 йил. Б 62.

3 Бокиев Ж.Н. Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш масалалари: миллий тажриба ва халқаро стандартлар. Магистрлик диссертацияси. Тошкент 2021 йил. Б 25.



ko'rsatishning majburlov choralari qo'llash voyaga yetmaganni tuzatish maqsadini ko'zlaydi".¹

Majburlov choralari qo'llanilishiga ko'ra, jazo chorasini hisoblanmaydi, lekin majburlov chorasini qo'llash bilan jazo chorasini qo'llashning maqsadi bilan bir xil hisoblanadi, sababi voyaga yetmagan aybdor shaxsga majburlov choralari qo'llashda ishonitirish, qayta jinoyat sodir etmasligi uchun harakat qilish orqali amalga oshiriladi. Shuningdek, ushbu choralarni qo'llash orqali boshqa jinoyat sodir etmasligi uning ong-u shuuriga yetkazishga harakat qilinadi.²

Yuqorida M.A. Lyubvinaning majburlov chorasining maqsadiga bergan fikriga qo'shilmagan holda J.N.Boqiyevning fikrini qo'llab quvvatlayman. Fikrimizcha, alohida majburlov chorasining maqsadi sifatida sanab o'tilganlarga qo'shimcha qilib tuzatish maqsadini ko'zlaydi, deb fikr bildirilgan. Ammo jazo qo'llanilishidagi maqsadlardan biri ham qayta tarbiyalashdir.

Majburlov choralari nafaqat jinoiy javobgarlikdan ozod qilingan taqdirda, balki jazodan ozod qilingan taqdirda ham qo'llanilishi mumkin, ya'ni, jinoiy javobgarlik doirasida bu ularning ikki tomonlama xususiyatidir. Mazkur xususiyatni Jinoyat kodeksining 87-moddasi birinchi (sudgacha) va ikkinchi qismlarida (sud bosqichi) kuzatishimiz mumkin.

Fikrimizcha, yuqoridagi tahlillardan kelib chiqib aytish mumkinki, majburlov choralari o'z mohiyatiga ko'ra, birinchidan, majburlash, ikkinchidan, tarbiyaviy xarakterga ega. Fikrimizcha, voyaga yetmagan shaxsga majburlov choralari bilan ta'sir qilishda ishonitirish hamda jinoyat sodir qilish mumkin emasligi ongiga yetkaz orqali amalga oshiriladi. Majburiylik xususiyati shundaki, majburlov choralari tayinlash aybdorning roziligi yoki ixtiyoridan qat'iy nazar amalga oshiriladi va ularning ijrosi davlat hokimiyati vakolatli organlarining majburlov kuchi bilan ta'minlanadi.

Voyaga yetmaganlarni jinoiy javobgarlikdan ozod qilish orqali faqat ishni voyaga yetmaganlar ishlari bilan shug'ullanuvchi komissiyaga topshirish orqali amalga oshirilishi mumkin. Bunday qarorga kelish uchun Jinoyat kodeksi 87-moddasi 1-qismida ko'rsatilgan shartlar:

- 1) jinoyat sodir etish vaqtida shaxsning 18 yoshga to'lmaganligi;
- 2) ijtimoiy xavfi katta bo'lmagan jinoyatni birinchi marta sodir etgan bo'lishi;
- 3) sodir etilgan qilmishning xususiyatlari, aybdorning shaxsi va ishning boshqa holatlari mavjud bo'lishi lozim.

Yuqorida ko'rsatilgan uchta shartning hammasi bir vaqtning o'zida mavjud bo'lganida voyaga yetmagan shaxs javobgarlikdan ozod qilinadi.

Shuningdek, M.Usmonaliyevning fikricha, "ijtimoiy xavfi katta bo'lmagan jinoyatni birinchi marta sodir etgan voyaga yetmagan shaxs, agar sodir etgan qilmishining xususiyatlari, aybdorning shaxsi va ishning boshqa holatlarini e'tiborga olib, uni jazo qo'llamasdan turib ham tuzatish mumkin degan xulosaga kelinsa, javobgarlikdan ozod qilinib, ish voyaga yetmaganlar ishlari bilan shug'ullanuvchi komissiyada ko'rishga topshirilishi mumkin." Bu majburlov choralari voyaga yetmaganni jinoiy jazo qo'llamasdan ham tarbiyalash maqsadida qo'llanadi³.

Shu o'rinda keltirish joizki, voyaga yetmaganlar bilan shug'illanadigan idoralararo komissiyaning faoliyati O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 14-martdagi "Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2833-sonli qarori qabul qilindi⁴. Ushbu qaror bilan "Voyaga yetmaganlar ishlari bo'yicha idoralararo komissiyaning" Nizomi tasdiqlandi. Mazkur nizomga muvofiq, voyaga yetmaganlar ishlari bo'yicha respublika idoralararo komissiya, Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar mintaqaviy komissiyalari, tuman (shahar) idoralararo komissiyalari tashkil etildi (keyingi bobda ushbu komissiya haqida batafsil so'z yuritilgan).

Voyaga yetmaganlarni jazoni o'tashdan muddatidan ilgari shartli ravishda ozod qilish orqali jinoiy javobgarlikdan yoki jazodan ozod qilish.

Voyaga yetmaganlarni jazoni o'tashdan shartli ravishda muddatidan oldin ozod qilish jazodan ozod qilish tartibini tartibga soluvchi ayrim umumiy qoidalarini qisman cheklash bilan bog'liq xususiyatlarga ega.

1 М. А. Любавина. Особенности уголовной ответственности и наказания несовершеннолетних. Учебное пособие. Санкт-Петербург.2015. ст 17.

2 Бокиев Ж.Н. Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш масалалари: миллий тажриба ва халқаро стандартлар. Магистрлик диссертацияси. Тошкент 2021 йил. 31 б.

3 Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик.—Т., «Янги аср авлоди», 2010й. Б-146.

4 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон



Jazoni o'tashdan muddatidan ilgari shartli ozod qilish jazodan ko'zlangan maqsadga erishilgan hollarda qo'llaniladi. Aynan ushbu asoslar jazoni o'tashdan muddatidan ilgari shartli ozod qilinishida mahkumning ijtimoiy xavfiligini yo'qotganligini va sud tomonidan tayinlagan jazoni to'la o'tamasdan tuzalganligini bildiradi.

Jinoyat qonunchiligi asoslari bo'yicha jazoni o'tashdan muddatidan ilgari shartli ravishda ozod qilish uchun belgilangan shartlar mahkumning mehnat va o'qishga halol munosabatda bo'lishi, qonunlarga rioya qilishi, uning xulqidagi ijobiy tomonga o'zgarishlar, jazo turlari uchun belgilangan tartib-qoidalarini bajarishi bilan bog'liq bo'ladi. M.X. Rustamboyevning fikriga ko'ra, **mehnatga halol munosabat** bu – mahkumlar mehnatga jalb qilinib, o'ziga yuklatilgan mehnat vazifasini va belgilangan normani muttasil, sitqidildan, halol bajarib kelayotganligi uning halol mehnat yo'liga utib olganligini ko'rsatuvchi mezon hisoblanadi. Mehnatga halol munosabatda bo'lish ozodlikdan mahrum qilish va axloq tuzatish ishlari tariqasidagi jazo tayinlanganda alohida ahamiyat kasb etishi mumkin.¹

Mehnatga yoki o'qishga halol munosabat deganda, M.X. Rustamboyev tomonidan shunday tushuntirish berilgan, voyaga yetmaganning halol mehnat qilishi va o'qishga halollik bilan munosabatda bo'lganligi, faqatgina ma'lumot olish uchun o'qishga bo'lgan munosabatigina emas, balki hunar-texnika bilim yurtida o'qishi va o'z malakasini oshirishi ham nazarda tutiladi. Fikrimizcha, jazoni o'tashdan muddatidan ilgari shartli ravishda ozod qilish orqali voyaga yetmaganlarni jinoiy javobgarlikdan yoki jazodan ozod qilish uchun zaruriy belgilardan biri bo'lib ularning mehnatga yoki o'qishga halol munosabatda bo'lishligi hamda ularning xulq-atvori ijobiy xarakterga ega bo'lishligi lozim.

Ushbu institut haqida so'z yuritilganda, N.A.Selezneva, G.I.Muromsevlar o'z maqolalarida Rossiya qonunchiligi va amaliyotidan kelib chiqib quyidagi fikrlarni bildirishgan. “Jazoni o'tashdan muddatidan oldin shartli ozod qilish jazodan ozod qilishning eng keng tarqalgan turi hisoblanadi, chunki u har qanday jinoyat sodir etganda va barcha toifadagi mahkumlarga nisbatan qo'llaniladi: voyaga etmagan mahkumlarning 69% dan ortig'i jazoni o'tashdan keyin shartli ravishda ozod qilinadi”.²

Ushbu jazoni o'tashdan muddatidan oldin shartli ozod qilish jazodan ozod qilish yuzasidan Birlashgan Millatlar Tashkiloti ham qo'llab quvvatlab shunday xulosaga keladi, “voyaga etmaganlarga nisbatan odil sudlovni amalga oshirishning minimal standart qoidalari voyaga etmaganlarni axloq tuzatish muassasalaridan imkon qadar kengroq va imkon qadar tezroq ozod qilishni tavsiya qiladi”³

Jinoyat kodeksining 89-moddasiga muvofiq, jazoni o'tashdan shartli ravishda muddatdan ilgari ozod qilishni qo'llash uchun quyidagilar asos bo'ladi:

1) jinoyatni voyaga yetmagan yoshda sodir etish;

Ushbu qoida shuni anglatadiki, sodir etilgan qilmishi uchun jazoni o'tayotgan o'n sakkiz yoshga yetmagan shaxslargagina nisbatan qo'llaniladi. Jazoni o'tashdan muddatidan ilgari shartli ravishda ozod qilish vaqtida voyaga yetganlik fakti ahamiyatga ega emas.

2) jinoyat sodir etganlik uchun ozodlikdan mahrum qilishga yoki axloq tuzatish ishlariga hukm qilish;

3) jazoni haqiqatda o'tash - ijtimoiy xavfi katta bo'lmagan yoki uncha og'ir bo'lmagan jinoyat uchun tayinlangan jazoning kamida to'rtinchi qismiga; og'ir jinoyat uchun tayinlangan jazo muddatining kamida uchdan bir qismiga; -o'ta og'ir jinoyat uchun, shuningdek, qasddan sodir etgan jinoyati uchun, agar shaxs qasddan sodir etilgan jinoyat uchun ozodlikdan mahrum etishga hukm qilinib, tayinlangan jazo muddatining kamida yarmini haqiqatda o'tab bo'lganidan keyin tayinlanadi.⁴

Voyaga yetmaganlarga nisbatan belgilangan jazoni yengilrog'i bilan almashtirish.

O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi 90-moddasi “Jazoni yengilrog'i bilan almashtirish”-

1 Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарх [Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартириш ва қушимчалар билан] умумий қисм / М. Рустамбоев. Тошкент: Адолат, 2016. 520-б.

2 Панкратов Р.И., Тарло Е.Г., Ермаков В.Д. Дети, лишённые свободы. — М., 2003.

3 Минимальные стандартные правила ООН // Советская юстиция. — 1991. — № 14.

4 Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A. A. Otajonov va boshq. - T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. 414-b.



ga bag'ishlangan bo'lib, ushbu moddada uning qo'llanilishi va tartibi yoritilgan. Jinoyat kodeksining 90-moddasida nazarda tutilgan jazoni yengilrog'i bilan almashtirib, jazodan ozod qilish o'zining yuridik tabiati, mohiyati va mazmuniga ko'ra, asosan muddatidan ilgari ozod qilishning voyaga yetganlarga nisbatan qo'llaniladigan o'xshash turiga mos keladi va insonparvarlik prinsipi-ga javob beradi. Mazkur moddaga ko'ra, o'n sakkiz yoshga to'lguncha sodir etgan jinoyati uchun ozodlikdan mahrum qilish, ozodlikni cheklash yoki axloq tuzatish ishiga hukm qilingan shaxsga nisbatan jazoning o'talmagan qismi yengilroq jazo bilan almashtirilishi mumkin.¹

A.A.Otajonovning tushuntirishiga ko'ra, **jazoni yengilrog'i bilan almashtirish** deganda, bel-gilangan jazo muddatini qisqartirmasdan, boshqa yengilroq turdagi jazoga almashtirish tushuni-ladi, Qonunga ko'ra, o'n sakkiz yoshga to'lguncha sodir etgan jinoyati uchun ozodlikdan mahrum qilish, ozodlikni cheklash yoki axloq tuzatish ishiga hukm qilingan shaxsga nisbatan jazoning o'talmagan qismi yengilroq jazo bilan almashtirilishi mumkin (Jinoyat kodeksi 90-moddada 1-qis-mi.).

Jazoni yengilrog'i bilan almashtirish - jazoni o'tash davrida uni individuallashtirish prinsi-pini amalga oshirishning mustaqil shakli bo'lib, maxkumga tayinlangan jazoning muayyan turini yengilrog'i bilan almashtirishda ifodalanadi.² Fikrimizcha, mazkur bildirilgan fikrlarga qo'shilgan holda aytish mumkinki, mazkur institut ham insonparvarlik prinsipi-ga to'laqonli javob beradi.

Jazoni yengilrog'i bilan almashtirish ozodlikdan mahrum qilish yoki axloq tuzatish ishilar bilan bog'liq bo'lgan jazo turlari uchun **belgilangan tartib-qoida talablarini bajargan va mehnat yoki o'qishga halol munosabatda bo'lib kelayotgan mahkumga nisbatan** qo'llanilishi mumkin (Ji-noyat kodeksi 90-moddasi 2-qismi. Yuqorida mehnatga yoki o'qishga halol munosabatda bo'lish tushunchalariga ta'rif berilgan).

Bundan tashqari, mazkur institutni qo'llanilishi yuzasidan faktlar sirasiga:

- 1) mahkum tayinlangan jazo o'tashning belgilangan rejimini bajarganligiga;
- 2) mehnat yoki o'qishga vijdonan munosabatda bo'lganligiga;
- 3) axloqan tuzalish yo'liga kirganligiga sud ishonch hosil qilishi kerak hamda yuqridagi belgilar mavjud bo'lgandagina jazoning o'talmagan qismini boshqa yengilrog'iga almashtirishi mumkin.

R.Kabulov talqin qilishicha, sudning mahkum axloqan tuzalish yo'liga kirganligiga ishonchi Ji-noyat kodeksining 90-moddasi qo'llanilishi uchun asos bo'lishi bilan bir qatorda, buning majburiy sharti hamdir.³ Fikrimizcha, yuqorida sanab o'tilgan belgilarning mavjud bo'lishligi sud tomoni-dan voyaga yetmagan mahkumga nisbatan belgilangan jazoning yengilrog'i bilan almashtirish uchun birlamchi omillardan biri sanaladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари мил-лий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.07.2018 й., 03/18/487/1569-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон.
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари” // United Nations Standard Minimum Rules for the Administration of Juvenile Justice (“The Beijing Rules”). <https://resourcecenter.savethechildren.net/library/united-nation-standardminimum-rules-administration-juvenile-justice-beijing-rules>

1 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.

2 Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ [Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартириш ва қушимчалар билан] умумий қисм / М. Рустамбоев. Тошкент: Адолат, 2016. 527-б.

3 Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A. A. Otajonov va boshq. - T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012.415-b.



- . М.Х. Рустамбоев Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм). Олий Ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: «ИЛМ ЗИЁ» 2005. - 477 бет.
6. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri)/ R. Kabulov, A. A. Otajonov va boshq. - T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. 448-b.
7. М. Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. -Т., «Янги аср авлоди», 2005, 662 бет.
8. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi plenumining 2000-yil 15-sentyabr 21-sonli “Voyaga yetmaganlarning jinoyatlari haqidagi ishlar bo'yicha sud amaliyoti to'g'risida qarori”

Интернет ресурслари:

1. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий саҳифаси.
3. <https://stat.sud.uz> – Олий суд саҳифаси.
4. <https://prokuratura.uz> – Бош прокуратура расмий саҳифаси.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 1-ҚИСМ

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович

Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович

Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
